

---

## **Алимент бўйича ҚЎШМА Фармойиш !**

Жорий йилнинг январь ойида туманда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда Қўшма Фармойиш қабул қилиниб, Фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида 27.01.2020 йилда туман хокимлиги, туман прокуратураси, туман ИИБ, туман аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бандлиги бўлими билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этилди ва 11 нафар алимент тўловчи қарздорлар ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Шунингдек, ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган тушунтиришлар натижасида 4 нафар оилалар яраштирилиб, ижро ҳужжатларининг ижроси тамомланишига эришилди.

Бундан ташқари, алимент тўловларини 3 ойдан ортиқ муддатда тўламасдан биринчи маротаба қонунчиликни қўпол равишда бузган 4 нафар қарздорларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47<sup>4</sup>-моддаси тартибида маъмурий иш қўзғатилиб, туман маъмурий судига юборилган ва суднинг қарорига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазо чораси қўлланилди.

Туман хокимлигида 27.01.2020 йилда ўтказилган йиғилишда қарздорларга ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига, яраштирув комиссияси аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.10.2018 йилги 808-сонли қарори асосида тасдиқланган “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари тушунтирилди.

Тумандаги 4 та сектор раҳбарлари ва тегишли мутасадди ташкилот раҳбарлари томонидан тасдиқланган тумандаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, ижтимоий-иктисодий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан тузилган 2020 йил 1-ярми учун мўлжалланган чора-тадбир дастурига асосан туман миқёсидаги меҳнат ярмаркалари ҳафтанинг ҳар сешанба куни ўтказилиши муносабати билан меҳнат ярмаркаси ўтказилмоқда.

Келгусида, ҳар бир ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларига ишсиз юрган қарздорларнинг тўлиқ иштироки назоратга олиниб, ишга жойлаштирилиши ва қарздорлик ундируви уларнинг иш ҳақига қаратилиши таъминланади.

**МИБ Бешариқ тумани бўлими**

**бошлиғи ўринбосари**

**Й.Абдуназаров**

2020-02-12 13:49:09